

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари минтақа давлатлари раҳбарлари саммитига тайёргарликнинг боришини муҳокама қилдилар



24 июль куні Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Туркменистон етакчиси давлатимиз раҳбарини туғилган куні билан самимий табриклар, биродар Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон-Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, энг аввало, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион ва маданий-гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказишга келишиб олинди.

Президентлар жорий йил 6 август куні “Аваза” миллий туризм ҳудудида ўтказиладиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш масаласига алоҳида тўхталдилар. Бўлажак тадбирнинг кун тартиби ва дастури юзасидан фикр алмашилди.

Туркменистон Президенти Ўзбекистон етакчисини Тошкентда Марказий ва Жанубий Осиёнинг боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича юқори даражадаги халқаро конференция муваффақиятли ўтказилади билан ҳам самимий қутлади. Ушбу форумнинг самарали натижалари кенг минтақада амалий ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш учун яхши асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Манба